

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Муроддуло Тоғаевич Нормуродов**  
Қарши давлат университети профессори  
[m.normuradov46@mail.ru](mailto:m.normuradov46@mail.ru)

**Абурайхон Холиқулович Жураев**  
Қарши муҳандислик- иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси  
[a.juraev@rambler.ru](mailto:a.juraev@rambler.ru)

### АННОТАЦИЯ

Республика иқтисодиётини ривожлантириш биринчи навбатда тайёрланаётган кадрлар сифатига боғлиқ. Кейинги йилларда турли тармоқларда амалга оширилаётган ислохотлар ушбу масалани долзарблигини яна бир бор исботлади. Олий таълимда таълим сифати талаб даражасига кўтарилиши учун билимли ва юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчилардан ташқари моддий-техник базанинг таъминланганлиги, замонавий ахборот технологияларига асосланган инновацион педагогик технологиялар қўлланилиши, ҳамда олий таълим билан ишлаб чиқаришнинг интеграцияси муҳим омиллардан биридир.

**Калит сўзлар:** модернизация, таълим, тарбия, интеграция, бакалавр, магистр, инновация, педагогик технологиялар, ахборот технологиялари, инновацион технологиялар.

## THE ROLE OF MANUFACTURING ENTERPRISES IN THE MODERNIZATION OF HIGHER EDUCATION

**Muroddulo Togaevich Normurodov**  
Professor of Karshi State University  
[m.normuradov46@mail.ru](mailto:m.normuradov46@mail.ru)

**Aburayhon Kholikulovich Juraev**  
Senior lecturer of Karshi Institute of Engineering and Economics  
[a.juraev@rambler.ru](mailto:a.juraev@rambler.ru)

### ABSTRACT

The development of the economy of the Republic primarily depends on the quality of trained personnel. Reforms in various sectors in recent years have once again proved the relevance of this issue. In order to improve the quality of education in higher education, one

of the important factors is the provision of material and technical resources, with the participation of highly qualified professors and teachers, the use of innovative teaching technologies based on modern information technologies, as well as the integration of higher education.

**Keywords:** modernization, education, training, integration, bachelor, master, innovation, pedagogical technologies, information technology, innovative technologies.

## КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин, биринчи навбатда ёшлар тарбиясига, уларнинг билимли кадрлар тайёрлаш тизимиغا катта эътибор қаратиб келди.

1997 йил 29-августда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимининг ягоналиги ва узлуксизлиги қонун билан мустаҳкамланди. Узлуксиз таълим ўз ичига олган таълим турлари: Мактабгача таълимдан олий таълим ва ундан кейинги таълим тизими долзарблигини йўқотмади.

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришда таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш устувор йўналишлардан бири этиб олинди. Узлуксиз таълим тизимида узвийлик, ўзаро боғлиқлик, изчиллик устувор вазифа сифатида белгиланди [1].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизда айниқса кейинги 3 йилда таълимга, ёшларнинг билим олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина таълим тизимини ривожлантиришга оид 10 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинди. 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожланиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Кўплаб олий ўқув юртлари очилмоқда. Чет эл университетлари филиаллари ташкил этилмоқда. Ёшларни олий таълимга қамраб олиш 20% дан ошиб кетди. Ўрта ва олий таълим тизимида меҳнат қилаётган педагог-ўқитувчилар ойлик маошлари оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак” деган сўзлари “Бешиқдан қабргача илм изла”

деган улуғ ҳадис иборасига ҳамоҳанглиги, нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билимли, юқори савияли, илм-маърифатли ва юксак маънавиятга эга бўлиши олдимизда турган энг устувор вазифалардан биридир [2,3].

## **НАТИЖАЛАР**

Таълим сифати ва тарбия самарадорлигида устоз-муаллим тизими энг асосий ўринда туради. Таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлашнинг бозор иқтисодиётига асосланган тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Маърузанинг салмоғи эмас, сифати муҳим. Унда педагогик технологияларнинг энг сўнги ютуқлари, ахборот технологияларининг мукамал вариантларидан фойдаланиши кўзда тутиладиган тизимга эришиш мақсад-муддаомиз бўлиши лозим. Хусусан, олий таълимда маъруза бир томонлама бўлмаслиги, балки талаба фаол иштирокчига айланиши зарур. Малака ошириш курсларида профессор-ўқитувчиларнинг дарс бериш маҳоратини оширишга қаратилиши керак.

Дарсларни ҳар томонлама қизиқарли ташкил этиш учун моддий-техник базанинг таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Замонавий ахборот технологиялари билан аудиторияларни жиҳозламасдан туриб ушбу ишларни ташкиллаштириш қийинчиликларни туғдиради. Таълим-тарбия сифатини моддий техник базани ташкил этмасдан туриб ошириш мумкин эмас.

Олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси унинг сифатига ижобий таъсир этиши, чет эл университетлари тажрибасидан маълум.

Республикамизда бу соҳада амалга оширилган ишлар талаб даражасида эмас. Айрим олий ўқув юртлари, айрим ишлаб чиқариш корхоналари билан маълум йўналишларда ҳамкорлик қилишмоқда. Бу жараён доимий ва тизимли ташкил этилиши лозим.

## **МУНОКАМА**

Бизнингча, бу борадаги фаолиятни тубдан ўзгартириш масаласи кун тартибида турибди. Абитуриентни ўқишга қабул қилишдан бошлаб ишга боргунгача бўлган жараёнда ишлаб чиқаришнинг бевосита иштироки бўлиши зарур. Мутахассис тайёрлашда ишлаб чиқариш корхоналари фаол иштирок этиши зарур. Ишлаб чиқариш билан олий таълим интеграцияси қандай бўлиш лозим деган савол туғилади.

Жаҳон Банкнинг “Академик инновациялар жамғармаси” доирасида Ўзбекистонда олий таълим муассасаларни модернизация қилиш йўналиши бўйича амалга оширилаётган грант иштирокчиси сифатида “Қашқадарё вилояти ишлаб чиқариш корхоналари билан Қарши давлат университети орасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг сифатини ошириш” мавзусида лойиҳа амалга оширилмоқда. Бизга маълумки Ўзбекистонда энг йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан “Муборак газни қайта ишлаш” заводи, “Талимаржон” Иссиқлик электр станциялари мисолида ўрганганимизда, ишлаб чиқариш корхоналари тезлик билан ўз технологияларини янгилamoқда. Асосан чет эл янги техника ва технологияларини олиб кириб, ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этмоқда. Кадр тайёрлаётган олий ўқув юртлари кафедралари бу жараёнларга фаол иштирок эта олмаяпти. Натижада олий таълим муассасалари битирувчилари ишга боришганда уларни ишлаб чиқаришда мутахассис сифатида ишга киришиб кетиши қийин кечмоқда. Ишлаб чиқаришда уларни 2-3 ойлаб қайта тайёрлашга тўғри келмоқда.

Олий ўқув юртларида ўқитилаётган айрим фанлар корхоналарнинг замонавий технология ва янги қурилмаларига мос келмайди. Олий таълим муассасаларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини ҳам ишлаб чиқариш корхоналарнинг ривожланишига ижобий ҳисса қўшиши лозимлиги ҳисобга олинмаяпти. Умуман кадрларни мақсадли тайёрлашни кескин яхшилаш лозим.

Ишлаб чиқариш билан кадр тайёрлайдиган институт ва университетлар орасида ҳамкорлик шартномалари бўлиши керак. Ишлаб чиқаришда университет кафедраларининг филиаллари ташкил этилиши, ундан ташқари корхонада ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ўқув-илмий марказлар ташкил этилган бўлиши лозим. Талабалар экскурсиялардан бошлаб, амалиётлар ўтиши, ишлаб чиқаришдаги мутахассисларни дарс беришга жалб этиш, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари тўғридан – тўғри ишлаб чиқариш корхоналарда бажарилишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ишлаб чиқариш корхоналарда фойдаланилаётган асбоблар ва қурилмалар олий ўқув юртлари ўқув ва илмий лабораториялар билан мослик даражаси доимо ўрганиб борилиши керак. Олий таълимда ўқитилаётган фанлар ва уларнинг ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари томонидан доимо экспертизадан ўтказиб борилиши лозим. Бу

соҳадаги таклифлар олий ўқув юртлари ўқув методик Кенгашда муҳокама қилиб, ўқув жараёнига тавсия этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман, Республикамиздаги олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро алоқасининг самарадорлигини ошириш учун қонун доирасида ёндашув лозим, яъни ўзаро ҳамкорлик қонунга асосланган бўлса ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳам олий таълим муассасаларининг ҳам мажбуриятлари ва вазифалари аниқ белгилаб қўйилган бўлади.

## ХУЛОСА

Яна бир масала, Республикамиз олий таълим муассасаларида контракт асосида ўқишга қабул қилинаётган талабаларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисми йирик ишлаб чиқариш корхоналари томонидан молиялаштирилиши мақсадга мувофиқ. Бу таклифнинг амалга оширилиши, биринчидан, ишлаб чиқариш корхоналари ўзларига керак бўлган кадрларни тайёрлайди, иккинчидан, кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимояси таъминланади.

Шундай улкан имкониятлар яратилаётган пайтда таълим тизимида таълим сифати талаб даражасида кўтариллиши учун муҳим туртки бўлади деб ҳисоблаймиз.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997 й., 9-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 25 январь, №19.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
4. А.Х.Жураев. Таълим тизимида педагогик дастурий воситаларни жорий этиш афзалликлари. ЎзМУ хабарлари журнали. 1/1-сон 2020 й. 85-89 бетлар.
5. Xurramov Anvar Jumanazarovich, Boymurodov Adham Khushimkulovich, Jurayev Aburaykhan Xoluqulovich. Educational technologies and their quality assessment. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 12, 2020. -P. 162-165.

6. Хуррамов, А.Ж., Комолов, Э.Р., Разработка алгоритма управления с учетом трудноформализуемой информации // Academic research in educational sciences, 2020. Volume 01, Issue 03, -pp: 240-247
7. Хуррамов, А.Ж., Ражабов, О.Т., Ядгарова, Н.Н., Умумий ўрта таълим мактабларида математика фанини ўқитишда таълим технологияси инновацион моделининг ўрни. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2021 Volume 2 Special ISSUE 2 - pp: 59-67
8. Султанов, Р. О. (2020). Idea блокчи шифрлаш алгоритмини такомиллаштириш методлари. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 397-404.
9. Sultanov, R.O., Xalmetova, M.X., Ikki gildirakli transport robotlari harakatini dasturlash. Academic Research in Educational Sciences, 2021 Volume 2 Special ISSUE 2 - pp: 108-114.